Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

● 2014-yil, 22-fevral. Shanba ● 24 (31.771) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП: устувор вазифалар

Мамлакат тараққиётидаги иштирокимиз янада фаол ва самарали бўлиши зарур

Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил якунлари ва 2014 йилдаги устувор вазифаларга бағишланган мажлисида билдирган фикрлари партиямиз ташкилотларида қизғин ўрганилиб, тегишли хулосалар чиқариб олинмоқда.

Жорий йилда ЎзХДП фаоллари, депутатларимиз олдида қандай вазифалар турибди? Маҳаллий ривожланиш дастурларини амалга оширишда уларнинг иштироки қандай бўлиши керак? Электорат манфаатини янада самарали ҳимоя этиш учун қайси масалаларга кўпроқ эътибор қаратишимиз лозим?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Қашқадарё вилоят кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган семинарда ана шу масалалар хусусида фикр юритилди.

> ЎзХДП фракцияси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари билан ҳамкорликда Дастурнинг ҳар бир ҳудудда самарали ижро этилишига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилаяпти. Шу асосда аҳоли бандлиги таъминланиши бўйича парламент эшитуви ўтказилмоқда.

Давоми 3-бетда.

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ МАМЛАКАТНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКДИР

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 2014 йилнинг мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилиниши жамоатчилигимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Жорий йилнинг 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бу мустақиллигимизнинг илк кунларидан жисмонан соғлом ва маънан етук баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. Она ва бола, Ёшлар, Баркамол авлод, Оила ва бошқа номлар билан аталган йилларда амалга оширилган ишлар халқимизнинг эзгу орзуси бўлган соғлом бола тарбиялашдек олижаноб мақсадга ҳамоҳангдир. Ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиз фарзандларимизни соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг бахтсаодати, ёруғ келажагини кўришни ният қиламиз.

Ўтган даврда кенг миқёсли ва теран мазмунли улкан ишлар, мамлакатимиз ва жамиятимиз тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамият касб этувчи вазифаларни бажаришга йўналтирилган қатор умуммиллий дастурлар, биринчи навбатда, «Соғлом она – соғлом бола» дастури амалга оширилди. Фарзандларимиз ва халқимиз бахти учун, келажагимиз учун қилинаётган бу эзгу ишлар изчиллик билан давом этиб, тобора кенгайиб бораётгани, юксак самаралар бераётгани қувонарлидир.

Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш доирасида юқори самарадорлиги бутун дунёда эътироф этилган она ва бола соғлиғини муҳофаза қилишнинг миллий модели шакллантирилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинлари, шу жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг кенг тармоғи яратилгани натижасида аҳоли, авваламбор қишлоқ жойлардаги оналар ва болаларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Сўнгги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 750 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробар камайди. «Она ва бола скрининги» дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. «Save the children» халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурининг амалга оширилиши самаралари мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётан улкан эътиборнинг яққол тасдиғидир. Маълумки, Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилган, унинг сифати халқаро талабларга жавоб беради. 2004 йилдан буён умумтаълим мактабларини қуриш, моддий-техник базасини яхшилаш ва жиҳозлаш учун жами 2,8 триллион сўмдан ортиқ, болалар мусиқа ва санъат мактабларига 2009 йилдан буён 488 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Давоми 2-бетда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Электорат манфаатини ҳисобга олиш ва ҳимоя қилиш

ЎзХДП фракцияси фаолиятининг асосига айланмоқда

Давлат бошқарувини янада демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида парламент таъсир кучини ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг фаолияти ривожланиши, улар ўртасида рақобат кучайишига ҳуқуқий шароит яратилди, юртимизда парламент демократиясини қарор топтириш бўйича янги саҳифа очилди.

Давоми 3-бетда.

Фракция

сиёсий партиянинг Сайловолди дастурини амалга ошириш, ғояларини қонунларда акс эттиришда асосий кучдир. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламентига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сиёсий партияларнинг фракцияларига электорат манфаатини ишончли ҳимоя қилиш борасида қўшимча имконият ҳамда кафолатлар яратди.

Ёш сиёсатчи

«ЎзХДП сафида туриб

юртимга, одамларга кўпроқ фойдаси тегадиган ишлар билан шуғулланишни орзу қиламан ...»

Абдуржон ХОЛБОЕВ,
«Ўзбекнефтгазгеофизика» уюшмаси Яккабоғ филиали бўлим бошлиғи, ЎзХДП аъзоси.

Ёшлигимдан сиёсатга қизиқаман, айниқса, депутатларга ҳавасим келади. Сиёсий жараёнларда иштирок этишни орзу қилиб юрардим. Шу боис, ЎзХДП сафига кирдим. Бу партиянинг халқчиллиги, одамларга қайишиши, амалий ишларга катта эътибор бериши менга маъқул бўлди.

2010 йилда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг нефть-газ бўлимини тугатдим. «Истиқбол» ёшлар қаноти Қарши шаҳар бўлимининг кўплаб тадбирларида қатнашдим. 2013 йилда «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлдим. Республика босқичида фахрли ўринлардан бирини эгалладим. Ёш сиёсатчиларга ўз лойиҳалари ҳақида гапиришга имкон беришди. Анчадан буён нефть-газ қазиб олинган бўшлиқларни кўмир кукуни билан тўлдиришнинг фойдаси ҳақида илмий изланишлар олиб борямман. Шу ҳақда гапирдим.

Кўрик-танловда сиёсат ва ҳуқуқ йўналишидаги саволларга жавоб бериш керак эди. Бу шартга тайёрланиш жараёнида мамлакатимиз қонунчилигини, Конституциямизни, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни, сиёсатшунослик дарсликлари ва ҳуқуқий адабиётларни чуқур ўрганишга ҳаракат қилдим. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш жараёнида дунё, давлатлар ҳақидаги тасаввурим янада кенгаяди.

Кучли фуқаролик жамияти қуришнинг асосий шартларидан бири бу — фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими ва маданияти юқори бўлишидир. Шундай экан, қонунларни билиш, дунёда ва мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардан доимий равишда хабардор бўлиб бориш ёш сиёсатчи учун муҳим, деб ўйлайман. Ўз тажрибамдан шуни англадимки, кучли сиёсатчи бўлиш учун кўп ўқиш ва ўрганиш керак.

Инглиз тилини яхши биламан. Хорижий адабиётларни ўқиб бормоқдаман. Мен ЎзХДП сафида туриб юртимга, одамларга кўпроқ фойдаси тегадиган ишлар билан шуғулланишни орзу қиламан.

ЎзХДП маҳаллий кенгашлари диққатига!

ГАЗЕТА СИЗГА ВАҚТИДА ЕТИБ БОРЯПТИМИ?

Маълумки, газетага обуна бўлган киши уни вақтида олиб ўқишни истайди. Газетамиз уйингиз ёки ишхонангизга ўз вақтида етиб боришига почта бўлимлари билан биргаликда биз ҳам масъулмиз.

Газетамиз чоп этилганидан сўнг неча кунда сизга етиб боряпти?

Ушбу масалада бирор муаммо бўлса, таҳририятимизга дарҳол қўнғироқ қилишингиз ёки ёзма равишда хабар беришингизни сўраймиз.

***Тел:* 233-65-45, 233-81-97.**
***Факс:* 233-65-45. *Электрон почта: e.mail:* info@uzbekistonovozi.uz**

«Ўзбекистон овози» сайтида ўқинг

Дастур ижросидаги изчиллик

партия ғоялари ҳаётда ўз ифодасини топишининг муҳим шартидир

www.uzbekistonovozi.uz

Ҳусан АБДУНИЯЗОВ,
ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

— Аввало, ахборот-маърифат хоналарида партия Сайловолди дастуридан бошлаб, турли адабиётлар, услубий қўлланмалар ва матбуот нашрлари, барча сиёсий партиялар газеталари бўлиши лозим. Шунингдек, партиядан сайланган депутатларнинг амалий ишлари ҳақида маълумотлар туриши ва янгиланиб бориши талаб этилади.

Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, ўтган давр мобайнида қандай ишлар амалга оширилгани, депутатларимиз ва партия ташкилотларининг фаолияти ҳақида слайдлар яратиш зарур. Бу ахборот-маърифат хоналарига келган партия аъзолари, электорат вакиллари партиямиз фаолияти, дастурий вазифаларни амалга ошириш борасидаги ишлари ҳақида кенгроқ маълумот олишига хизмат қилади. Бундай хоналар номигагина тащкил этилмасдан, балки ҳақиқий маънода ахборот ва маърифат улашадиган жойга айланиши лозим.

Бир саволга икки жавоб

Сиёсий партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишда ахборот-маърифат хоналари фаолияти муҳим ўрин тутади. Партиямиз маҳаллий кенгашлари қошида ташкил этилган ахборот-маърифат хоналари фаолиятини янада кучайтириш учун нима қилмоқ керак?

Зулфия ЗОКИРОВА,
ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши масъул ходими:

— Бугунги замонавий ахборот-маърифат хоналарида барча қулайликлар, шароитлар яратилиши учун қатор талаблар қўйилмоқда. Аввало, ахборот-маърифат хоналарининг моддий-техника базасини яхшилаш керак. Унда, албатта, интернет орқали кенг маълумотлар олиш имкони бўлиши лозим. Ахборот-маърифат хонасида маълумотлар базаси яратилса, масалан, каталоглар, адабиётлар рўйхати ва китоблар, қўлланмаларнинг электрон вариантлари бўлса, фойдаланувчига анча қулайлик яратилади.

Ахборот-маърифат хоналари фаолияти самарадорлигини ошириш учун яна бир таклиф айтмоқчиман. Қуйи бўғинларда ҳам имкониятдан келиб чиқиб, ўзига хос ахборот-маърифат бурчакларини ташкил этишимиз керак. Бу орқали партия дастурий мақсадлари тарғиботи янада кенг тус олади, аъзоларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий билими ошади, хайрихоҳларимиз сафи янада кенгаяди.

ЎзХДП Андижон вилоят ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳлари электорат ишончини оқлай оляптими?

Мазкур масала муҳокама этилган семинар тафсилотлари ҳақида газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида ўқийсиз.

Дастур етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда соғлом авлодни тарбиялаш билан боғлиқ барча масалалар ўз ифодасини топган

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ МАМЛАКАТНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКДИР

Спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Уни болалар ва ўсмирлар, айниқса, қизлар ўртасида оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш бўйича ноёб тизим яратилди. Нафақат шаҳарларда, балки энг олис туманларда ҳам замонавий спорт комплекслари барпо этилди. 2003-2013 йилларда 1816 спорт объекти ишга туширилди, бу болаларни оммавий тарзда спорт билан мунтазам шуғулланишга ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда икки миллионга яқин бола, шу жумладан, 842 минг нафар қиз 30 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Мамлакатимизда маънавият ва маърифатни юксалтиришга, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бир қаторда ҳаётнинг ўзи олдимизга соғлом авлодни тарбиялашдек муҳим соҳада янги вазифаларни қўймоқда. Масалан, профилактика ишлари даражаси ва тиббий хизматлар сифатини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ошириш билан боғлиқ масалалар ҳамон долзарб бўлиб турибди. Никохдан ўтувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш сифатини янада яхшилаш, кўрикни амалга оширувчи мутахассислар масъулиятини кучайтириш лозим. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш ишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда соғлиқни сақлаш тизимига болаларнинг соғлиғини таъминлашдек улкан масъулият юкланган. Шу муносабат билан жорий йилда соҳанинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, авваламбор, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи тиббиёт муассасаларини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлашга эътибор янада кучайтирилади.

Албатта, соғлом болани тарбиялашда аҳолининг тиббий маданияти ҳам муҳим ўрин тутади, бу масала ҳануз долзарблигича қолмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар, аввало шу муҳим масалаларни ҳал қилишга қаратилган.

Жорий йилда Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида бу ишларнинг барчаси янада юқори даражага кўтарилади. Дастурда аввало ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Дастур етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар акс этган.

Биринчи навбатда, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. «Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида», «Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», янги таҳрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

«Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда болаларни уларнинг онгини бузувчи, руҳий жароҳат етказувчи ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситаларида шафқатсизлик ва зўравонлик тарғиботига йўл қўймасликнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмлари кўзда тутилади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида оилада меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳити, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни барқарор қилиш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўз иқтидорини рўёбга чиқариши учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг кундалик рўзғор юмушларини енгиллаштириш каби биринчи даражали вазифалар белгиланган.

Хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларнинг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида ҳар ойда соғломлаштириш ҳафталиклари ташкил этилади, шунингдек, мамлакатимиз етакчи тиббиёт муассасалари мутахассислари иштирокида олис туманларда яшовчи 145 минг нафар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади.

Янги оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, санатория-курорт объектлари барпо этиш, мавжудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилади.

Мамлакатимизда 130 маданият ва дам олиш марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўн бешта янги маданият ва истироҳат боғларини барпо этиш, мавжуд йигирма тўққизтасини реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган.

Маиший техника ишлаб чиқариш ва уни харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратишни кенгайтириш ҳисобига хотин-қизларнинг маиший шароитларини яхшилаш ва рўзғор юмушларини енгиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. 194 тумандаги олис қишлоқларда гўзаллик салони, тикувчилик, таъмирлаш устахоналари ва бошқа хизмат кўрсатиш корхоналаридан иборат намунавий маиший хизмат мажмуалари очилади.

Қишлоқ оилаларини замонавий уй-жой билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилади. 2014 йилда намунавий лойиҳалар асосида 11 минг якка тартибдаги уйлар қурилади. Икки минг ёш оилага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун фоизсиз ссудалар берилади. Туманлар марказлари ва қишлоқларда сув таъминоти ва канализация тизимларини яхшилашга доир қатор янги лойиҳалар амалга оширилади.

Жорий йилда соғлом фарзандлар туғилиши ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади. МДҲ мамлакатларида ўхшаши бўлмаган замонавий кўп тармоқли болалар марказини (IV даражали) қуриш ва уни юқори технологик тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий марказининг қатор бўлинмалари, ТошПТИ клиникалари, 13 вилоят кўп тармоқли болалар тиббий марказлари, 62 туман тиббиёт бирлашмалари ва бошқа тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар қурилади ҳамда тубдан таъмирланади. Уларнинг барчаси замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади, бу болаларга жаҳон стандартлари даражасида ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлигини таъминлашнинг энг самарали воситаларидан бири юқумли касалликлар профилактикасидир. Шу мақсадда турли инфекцияларга қарши янги вакциналарнинг босқичма-босқич жорий қилинишини ҳисобга олиб, болаларни эмлаш дастурини такомиллаштириш зарур. Миллий эмлаш тақвими асосида контингентнинг камида 97 фоизини қамраб олган профилактик вакцинация қилиш кўлами кенгайтирилади.

Йил давомида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ўқувчиларнинг 6,6 миллионга яқини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади, таркибида йод моддаси бўлган дори-дармонлар воситасида соғломлаштирилади. Қишлоқларда яшайдиган оналарнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 400 минг нафар ҳомиладор аёл махсус поливитаминлар билан бепул таъминланади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, шу жумладан, уларни тубдан таъмирлаш ва жиҳозлаш, янгиларини қуришга йўналтирилган аниқ вазифалар белгиланган. Болаларни мактабга тайёрлаш бўйича мутлақо янги дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши белгиланган бўлиб, уларда болаларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши кўзда тутилган.

«Баркамол авлод» болалар марказларини шакллантириш дастурининг амалга оширилиши жараёнида 66 шундай марказлар тубдан таъмирланади ва жиҳозланади. Бу болаларни ижодга, шу жумладан, техник ижодий ишларга янада кенг жалб қилишга кўмаклашади.

Бошланғич синфларда ўқитиш сифатини янада кўтариш чоралари белгиланган. Жумладан, 1-4 синф ўқувчилари учун ўқув дастурлари ва дарсликларнинг қайта кўриб чиқилиши, шунингдек, ўқитувчилар учун тегишли услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиши назарда тутилган.

2014/2015 ўқув йилида 2,6 миллион ўқувчи 575 номдаги 25 миллион нусха дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланади.

«Миллий умумтаълим электрон кутубхона» лойиҳасининг амалга оширилиши ҳам болаларнинг интеллектуал ривожланишига кўмаклашади. Лойиҳада турли билим олишга оид ва ўқув материалларини электрон форматга ўтказиш маркази, мультимедиа ахборот ресурслари маркази, шунингдек, интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғи ташкил этилиши, Ўзбекистондаги барча ахборот-кутубхона муассасаларининг 2020 йилгача ушбу тармоққа уланиши мўлжалланган.

Мамлакатимизда ота-она меҳридан маҳрум ва имконияти чекланган болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. 2015-2017 йилларда Меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини тубдан такомиллаштириш чоралари кўрилади.

Бу йил режалаштирилган қатор қизиқарли тадбирлар ўқувчиларнинг ақлий, ижодий ва спортга оид лаёқатларини ривожлантиришга қаратилган. Наманган вилоятида ўтадиган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари, болалар ижодиёти республика фестиваллари, «Она юрт наволари» халқ чолғу асбоблари халқаро танлови, «Энг ёш ихтирочи» танлови ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир.

Давлат дастурида 60,1 мингта ўқув ўринга мўлжалланган 380 умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, уларни компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа ускуналар билан таъминлаш белгиланган. Бундан ташқари, 161 касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, 48 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 110 болалар спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва тубдан таъмирлаш режалаштирилган.

Мамлакатимизда болаларнинг чет тилларни ўрганишига катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда мактаблардаги чет тиллари хоналарини замонавий ахборот-коммуникация ва техника воситалари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

Бошланғич синф ўқувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлари амалга ошириш давом эттирилади. Жумладан, 586,9 минг нафар биринчи синф ўқувчиларига ўқув жиҳозлари тўпламлари ва 6,5 миллион нусхадаги дарсликлар, умумтаълим мактабларининг 500 мингдан ортиқ 2-синф ўқувчиларига чет тиллар бўйича мультимедиали иловали дарсликлар бепул берилади.

Ёзги таътил даврида болаларнинг ҳордиқ чиқариши ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида соғломлаштириш оромгоҳларига 280 минг нафар ўғил-қиз имтиёзли, 35,7 минг нафари бепул йўлланмалар билан таъминланади.

Тошкент ва Термиздаги ҳайвонот боғларининг, Тошкентдаги ботаника боғининг реконструкция қилиниши, Самарқанд ва Фарғонада Тошкент ҳайвонот боғи филиалларининг очилиши, Зарафшон шаҳрида аквапарк қурилиши, шунингдек, Республика қўғирчоқ театри ва «Томоша» болалар мусиқали театр студиясининг капитал таъмирдан чиқарилиши мўлжалланган.

Халқимизга хос бағрикенглик, муҳтожларга кўмак бериш каби фазилатларни акс эттирувчи кўплаб тадбирларни ўтказиш режалаштирилган. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилалар фарзандларига 516,9 минг тўпламдаги қишки кийим ва 3,1 миллион нусхада дарслик, ўқув қуроллари бепул берилади. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандларини халқимизнинг бой тарихий ва маданий мероси билан таништириш мақсадида Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларига бепул саёҳатлар, шунингдек, музейлар, ҳайвонот ва ботаника боғларига экскурсиялар ташкил этилади.

2014 йил ноябрь ойида Тошкентда «Бола учун ижтимоий шериклик: миллий ва хорижий илғор тажриба» мавзусида халқаро форум ўтказилади.

Мамлакатимиз учун долзарб ушбу вазифаларни оилалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўзаро ҳамкорлигида амалга ошириш мумкин.

Давлат дастурида соғлом болани тарбиялашда, оилаларга, биринчи навбатда, ёш оилаларга ўз вақтида ва манзилли моддий ҳамда маънавий кўмак беришда маҳалла институтининг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга, ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган эзгу ишларнинг рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси, деб биламиз.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури бунинг яна бир ёрқин тасдиғидир. Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбирларга 4 509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион доллар миқдорида маблағ йўналтирилади. Мазкур дастурнинг бажарилиши мамлакатимиз учун асосий мақсади инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар йўлида навбатдаги муҳим қадам бўлади.

ЎзА.

Давоми. Боши 1-бетда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилдаги фаолияти кўриб чиқилди. Унда депутатлар, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси ўринбосари С.Отамуродов, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси ўринбосари Қ.Акмалов ва бошқалар 2013 йилда мамлакатимизда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун таркибий ўзгаришлар жараёнини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, молиявий ресурслардан тежамли, самарали ва мақсадли фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни ижроси юзасидан давлат бюджетининг 2012 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказилиб, 2014 йилги лойиҳа юзасидан солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари экспертизаси амалга оширилди.

Бу жараёнда асосий эътибор давлат бюджети маблағларининг истиқбол кўрсаткичлари ҳаққонийлигига, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли даромадлари даражасини оширишга таъсир этувчи восита сифатида тутган ўрни, иқтисодиётнинг реал секторида, айниқса, ҳудудлар ва тармоқлар бўйича давлат бюджети даромад қисмининг тўғри шаклланиши ҳамда бажарилишига қаратилган.

2013 йилда Ҳисоб палатаси қатор вазирлик ва идораларда давлат бюджети маблағларидан қонуний, мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан белгиланган тартибда назоратни амалга оширган. Хусусан, Наманган, Сурхондарё ва Жиззах вилоятлари маҳаллий бюджетларининг 2012 йилги ижроси ва маблағларнинг сарфланиши, бюджет харажатларини оптималлаштириш резервларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан текширишлар ўтказилган. Ана шундай тадбирлар натижасида 2013 йилда 79 миллиард сўмлик давлат ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар ундирилган.

Тадбирда айрим маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бюджет даромадларини кўпайтириш бўйича мавжуд имкониятларни ишга солиш ўрнига бюджет маблағларини мақсадсиз сарфланишига йўл қўйилаётгани, мутасадди раҳбарларнинг ушбу муҳим масалага эътиборсизлиги ва бошқа камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Жорий йил 4 февралда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг сессиясида вилоят маҳаллий бюджетининг 2012 йил ва 2013 йил 9 ойлик давридаги ижроси, давлат бюджети ва мақсадли жамғармалар маблағларининг айрим турлари бўйича тўлиқ шаклланиши ва сарфланиши юзасидан Ҳисоб палатаси ўтказган текшириш натижалари чуқур ва атрофлича муҳокама қилингани қайд этилиб, шундай муҳокамаларни Наманган ва Сурхондарё вилоятларида ҳам ўтказиш борасида таклифлар билдирилди.

Ҳисоб палатаси томонидан аниқланган камчиликлар, бюджет интизомини бузиш ҳолатлари ва молиявий қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Сурхондарё, Наманган вилоятлари ҳокимликларининг ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, текшириш ўтказилган вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари яратилган қулай иқтисодий муҳит ва имкониятлардан унумли фойдаланишга, мавжуд резервларни аниқлаш ва амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиши лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш, барча йўналишда самарадорликни таъминлаш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишда Ҳисоб палатасининг назорат тадбирларини янада кучайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Ҳоким ёшлар билан учрашди

Қашқадарё вилояти ҳокими Зафар Рўзиев бир гуруҳ иқтидорли ёшлар билан учрашди.

Мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдод ва имкониятларини тўлақонли юзага чиқариш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида ёшларимиз халқаро фан олимпиадалари, нуфузли спорт мусобақалари, турли йирик мусиқа ва санъат танловлари, фестивалларида дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини намоён қилиб келмоқда. Бунда қашқадарёлик ёшларнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Қизғин фикр алмашувлар тарзида ўтган тадбирда ёшлар ўз таклиф-мулоҳазалари, ҳаётда учрайдиган айрим муаммолар тўғрисидаги дадил фикрлари билан фаол қатнашди.

Айниқса, вилоятнинг барча туманларида ёшлар маркази, руҳий кўмак маркази, Қарши шаҳрида эса электрон кутубхона ташкил этиш, шунингдек, ноанъанавий талабалар боғи барпо этиб, у ерда кутубхона, китоб дўкони, симсиз интернет ва бошқа хизматларни йўлга қўйиш каби таклифлар кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланди.

— Бугунги учрашувда ёшлар учун руҳий кўмак маркази ташкил қилиш тўғрисидаги лойиҳам қўллаб-қувватланганидан хурсандман, — дейди Қарши давлат университети талабаси Мансур Жабборов. — Лойиҳада кўзда тутилган марказ асосан оила, ўқиш ёки ишдаги айрим муаммолар туфайли тушкунликка тушиб қолган ёшларга руҳий мадад беришга хизмат қилади. Албатта, талаба ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш каби муҳим жараёнларга ҳам кўмаклашади.

Учрашувда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ёшлар ҳам ўзлари амалга ошираётган ишлар ва келгуси режалари ҳақида фикр алмашди. Масалан, вилоят марказида тикувчилик тўгарагига раҳбарлик қилаётган ёш тадбиркор Гулмира Хидирова фаолиятини кенгайтириш учун қўшимча тикув машиналарига эҳтиёжи борлигини айтди. Вилоят ҳокими бу таклифни қўллаб-қувватлади ва Гулмиранинг тўгараги 20 тикув машинаси билан таъминланадиган бўлди.

Тадбир якунида ўз йўналиши бўйича салмоқли ютуқларга эришаётган истеъдодли йигит-қизларга вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

Ў. БАРОТОВ,
ЎзА мухбири.

O`ZBEKISTON OVOZI
● 2014-yil, 22-fevral.
Shanba ● 24 (31.771)-son
www.uzbekistonovozi.uz

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Электорат манфаатини ҳисобга олиш ва ҳимоя қилиш

ЎзХДП фракцияси фаолиятининг асосига айланмоқда

Ана шундай шароитда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ўз фаолиятини ҳар томонлама кучайтиришга эътибор қаратмоқда. Қонун ижодкорлиги жараёнида фаол ва самарали иштирок этиш, электорат манфаатлари ҳимоясига хизмат қиладиган таклифлар бериш, партия дастурий мақсадлари амалга ошиши билан боғлиқ масалалар бўйича изчил парламент назоратини олиб бориш фракция фаолиятида устуворлик касб этаётир.

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Улуғбек ВАФОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари:

— Маълумки, ўтган давр мобайнида парламент фаолиятини янада такомиллаштиришга оид қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниши натижасида қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқишнинг барча босқичларида сиёсий партиялар фракцияларининг роли тубдан кучайди. Фракцияларнинг қонун ижодкорлигига ёндашуви ўзгарди.

Қонун лойиҳалари бўйича фракциялар таклиф-мулоҳазалари ҳисобга олиниши ёки олинмаслигининг сабаблари Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида, оммавий ахборот воситаларида очиқ муҳокама қилиниши анъанага айланди.

Натижада қонун лойиҳалари бўйича муҳокамалар, сиёсий партиялар дастурий мақсадлари билан боғлиқ принципиал масалаларда фракциялараро тортишувлар доимий тус олди. Бундай рақобат шароитида қонун лойиҳаларида белгиланаётган ҳуқуқий меъёрлар ҳар томонлама чуқур таҳлил этиляпти, электорат манфаатлари ҳимоясига қаратилган таклифлар бериляпти. Қонун лойиҳасида бирон меъёрни акс эттириш, унинг заруратини асослаб бериш оддий жараён эмас, албатта. Бунинг учун, аввало, ҳаётни яхши ўрганиш, муаммолар сабабларини билиш, баҳс-мунозарага тайёр бўлиш талаб этилади.

Шунинг учун фракция фаолиятини кучайтириш бўйича янги тажрибаларни қўллаяпмиз. Хусусан, парламентда кўриб чиқилаётган қонунлар лойиҳалари жойларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари, фаоллар ва электорат вакиллари, тегишли соҳа вакиллари, мутахассислар иштирокида кенг муҳокамалардан ўтказилди. Шу тариқа таклифлар олиш тизими самарадорлиги янада ошди. Мисол учун «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун ва Меҳнат кодексига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш юзасидан фракциямиз позициясини шакллантиришда бу амалиёт ўз натижасини кўрсатганлигини айтиб ўтиш ўринлидир.

Бу йўналишдаги фаолиятимизни янада кучайтиришимиз керак. Ҳозир қонунлар лойиҳалари юзасидан маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳларидан доимий таклиф-мулоҳазалар тизимини такомиллаштириш чоралари кўриляпти.

Ҳар йили парламент томонидан қабул қилинаётган бандлик Дастури ижроси, аввало, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд, иш топишда қийналаётган, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга тайёр бўлмаган кишилар манфаатига хизмат қилади. Демак, иш ўринлари очилишида фаол иштирок этиш ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлари учун долзарб вазифа ҳисобланади.

ЎзХДП фракцияси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари билан ҳамкорликда Дастурнинг ҳар бир ҳудудда самарали ижро этилишига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиляпти. Шу асосда аҳоли бандлиги таъминланиши бўйича парламент эшитуви ўтказилмоқда. Жумладан, ўтган йили битирувчиларни ишга жойлаштиришда юзага келаётган камчиликлар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича ҳукуматга таклифлар берилди.

Фахриддин РАЖАБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси :

— Парламент эшитуви ўтказишдан кўзлаган асосий мақсадимиз Дастурда белгиланган иш ўринлари ўз вақтида очилиши, барқарор бўлишига эришишдир.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш борасида жойларда ҳамон айрим муаммолар учраб турибди. Фракциямиз аъзолари томонидан олиб борилган ўрганишлар натижасида маълум бўлдики, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича тақдим этилаётган маълумотларда ҳанузгача нохолис ахборотларни тақдим этиш ҳоллари мавжуд. Шунингдек, яратилган шарт-шароитларга қарамасдан, битирувчиларни ўз ишини очишга янада кенгроқ жалб этиш, айниқса, қишлоқ жойларда уларни бу борада қўллаб-қувватлаш талаб даражасида эмас.

Фракциямиз бу муаммоларни бартараф этиш бўйича ўз таклифларини берди. Уч томонлама шартномалар тўлиқ бажарилиши керак. Улар шунчаки расмиятчилик учун тузилмаслиги, ишга жойлашишни кафолатловчи қатъий ҳужжат бўлиши зарур.

Бандлик Дастури ижросида Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, парламент назорати билан бирга маҳаллий вакиллик ҳокимияти назоратини ҳам изчил олиб бориш лозим.

Маълумки, қонунчиликка кўра, таълим муассасалари битирувчилари билан биринчи марта меҳнат шартномаси тузилаётганда дастлабки синов муддати белгиланмайдиган бўлди, шунингдек, таълим муассасаларини битириб ишлаётган ёшлар иш берувчининг ташаббуси билан бўшатилганда ҳудудий меҳнат органларига хабар берилиши шарт. Бу меъёрларга амал қилиниши юзасидан депутатлик назорати ҳамда тушунтириш-тарғибот ишларини изчил олиб бориш ҳам алоҳида эътиборимизда бўлади.

Назира МАТЁҚУБОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Жорий йилда қонун ижодкорлиги, қонунлар ижроси юзасидан парламент назорати, сайлов округларидаги фаолияти, қабул қилинаётган қонунлар бўйича аҳоли ўртасида ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича ўз фаолиятимизни янада кучайтириш чораларини белгилаб олдик.

Бунда партия дастурий мақсадлари, электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий масалалардаги муаммо ва камчиликларни аниқлаш, партия гуруҳлари ҳамкорлигида жойида ҳал қилишга эътибор берилади.

Айни пайтда фракциямиз қонун ижодкорлиги соҳасида фуқаролар соғлиғини сақлаш, аҳолига етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий стандартлар ва электоратимиз манфаатларига дахлдор бўлган бошқа масалаларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш устида иш олиб боряпти.

Қонун жамият ҳаётидаги муносабатларни тартибга солишда асосий восита ҳисобланади. Фуқаролик жамиятининг негизи, пойдевори ҳам қонун ва қонунийликдир. Шунинг учун қонун ижодкорлиги соҳасида электоратимизнинг амалдаги қонун ҳужжатлари ижроси тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ўрганиш ҳар доим долзарб вазифа бўлиб қолади.

Сиёсий партия дастурида белгиланган вазифалар амалга ошиши, электорат манфаатлари қай даражада ҳимоя қилиниши биринчи галда партиянинг парламентдаги фракцияси фаолияти кучайишига боғлиқ, албатта. Фракциялар фаол бўлиши, қатъий позиция кўрсатиши эса, ўз навбатида, жамиятда парламентнинг ўрни ва мавқеи мустаҳкамланишига асос бўлади.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Давоми. Боши 1-бетда.

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

Таъсирчан сиёсий технологиялар

фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади

Демократик жараёнларни чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ишлари даражаси фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-иқтисодий фаоллигига боғлиқ. Шу боис, ЎзХДПнинг барча ташкилотларида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқув-семинарларни мунтазам ва юқори савияда ташкил қилишга эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши томонидан сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги навбатдаги ўқув-семинар ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, экспертлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ва туман кенгашлари масъул ходимлари, «Тарғиботчилар» гуруҳлари аъзолари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари вакиллари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, сиёсатшунос олимлар, мутахассислар, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

— Бугунги семинар партия дастурий ғоялари кенг фойдаланишни йўлга қўйиш тўғрисида фикрлар билдирилди.

— Партия ўз электорати ва сайловчилар билан ишлашида энг кенг фойдаланиладиган сиёсий технологиялардан бири бу сиёсий рекламадир, — дейди **Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети катта ўқитувчиси Гулбаҳор Исанова.** — Сиёсий реклама орқали партиянинг бошқа сиёсий кучларга нисбатан устун томонлари очиб берилади, бу эса тарафдорларни кўпайтиришга хизмат қилади. Демак, бугун бизнинг партиямиз етакчилари, экспертлари, фаоллари ҳам сиёсий реклама имкониятларидан маҳорат билан фойдаланиш йўллари ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўриши керак.

Сиёсий реклама воситасида партия ёки сиёсатчи

тарғиботини олиб боришда сиёсий технологиялардан фойдаланишни ўрганиш, партия мақсад ва вазифаларини электоратга, қолаверса, кенг оммага чуқурроқ тушунтиришнинг янги услубларини муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилди, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева.** — Тарғибот воситалари, турли тарқатма материаллар, буклетлар, роликлар, дебат, ўзаро баҳс мунозара асосида интерфаол шаклдаги жонли тадбирларни кўпроқ ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан, йиғилишларда маъруза ўқиш билан чекланмасдан, видеолавҳа намойиш этиш, интерфаол тартибидаги тадбирлардан кенгроқ фойдаланиш яхши самара беради. Маълумотлар қисқа ва лўнда тайёрланган электрон шаклда бўлса, матн қўлланма сифатида тарқатилса, эсда сақлаб қолишга қулай бўлади, тингловчини зериктирмайди.

Ўқув семинарда қонун ижодкорлигини янада фаоллаштириш, депутатлик корпусининг қонунларни қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлашда ташаббускорлигини ошириш, қонунлар билан кўзда тутилган депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш механизмини такомиллаштириш, парламент депутатларининг ўз сайлов округларида тизимли иш олиб боришларини яхшилаш ва бу соҳада янги сиёсий технологиялардан имижининг тез-тез намойиш қилиниши натижасида унинг қиёфаси ёдда қолади ва партия имижи жамоатчилик онгидан ўрин олади. Бу эса ўз навбатида, мазкур сиёсий кучларнинг фуқаролар томонидан қўллаб-қувватланишига туртки бўлади.

— Сиёсатшунослар фикрига кўра, ҳозирги кунда дунёда тахминан 500 дан ортиқ сиёсий технология мавжуд, — дейди **Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети катта ўқитувчиси Абдулла Абдухалилов.** — Албатта, улар орасида энг оммалашгани бу сиёсий технологияларнинг функционал тури ҳисобланади. У асосан сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш ва давлат бошқаруви билан боғлиқ турли жараёнларда кенг қўлланилади. Шу боис, технологиялар вазиятни барқарорлаштириш ёки беқарорлаштиришга, сайлов кампанияларини уюштиришга, тезкор ахборот беришга, қарорлар қабул қилишга, давлат дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш орқали манфаатларни уйғунлаштиришга хизмат қилади.

Ўқув-семинар якунида барча даражадаги партия ташкилотлари етакчиларига сиёсий технологиялардан унумли фойдаланиш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Басандабону ЖАЛИЛОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: устувор вазифалар

Мамлакат тараққиётидаги иштирокимиз

янада фаол ва самарали бўлиши зарур

— Мамлакатнинг қай даражада тараққий этгани, авваламбор, жамиятдаги ижтимоий барқарорлик, аҳоли турмуш даражаси билан белгиланади, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Саттор Раҳматов.** — Ўтган йили мамлакатимизда аҳолининг реал даромадлари 16 фоизга ўсди. Йил давомида 970 мингта иш ўрни яратилиб, уларнинг 60,3 фоизи қишлоқ ҳудудларида ташкил этилди. Бошқа соҳаларда ҳам катта ютуқларга эришилди. Бироқ, йил якунлари ва жорий йилда олдимизда турган вазифалар ҳақида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак, хотиржамликка берилишга асло ҳаққимиз йўқ. Бизни янада юксак марралар кутиб турибди. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, халқимиз турмушини янада фаровон этишга қаратилган бу ишларда партия етакчилари, фаоллари, депутатлар иштирокини янада кучайтиришимиз зарур. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш, қонун ижодкорлиги, қонун лойиҳалари муҳокамаси, уларнинг ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда ҳамжиҳатлик билан иш олиб боришимиз талаб этилмоқда.

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши партия гуруҳлари таклифлари асосида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш борасидаги ҳуқуқларни янада кенгайтирди. Бу ваколатлардан унумли фойдаланиш, жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари билан фракция ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ўзининг ижобий натижасини беради.

— Сиёсий партиянинг жамият ҳаётидаги роли кучайиб боришида минтақавий ташкилотлари, партия гуруҳлари катта ўрин тутади, — дейди **ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Олим Равшанов.** — Шу боис, бугун зиммамизда турган жиддий вазифаларни амалга ошириш йўлида ташаббускор ва фидойи бўлишимиз лозим.

Айни пайтда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳида 21 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 187 нафар депутатимиз фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили партия Ҳаракат дастурида белгиланган 14 масала ўрганилиб, 12 таси доимий комиссиялар, 2 таси сессиялар муҳокамасига киритилди. Шунингдек, партиямиз гуруҳи ташаббуси билан яна 8 масала сессиялар кун тартибига олиб чиқилди. Албатта, буни етарли, деб бўлмайди. Партия ташкилотлари ва депутатларимиз масъулиятини ошириш, электорат манфаатларини таъминлаш йўлидаги ишларимизни кучайтиришимиз керак.

Шу орқали 2014 йилда 30 дан ортиқ масалани ўрганиш ва энг муҳимларини сессияларда кўриб чиқишни режалаштирганмиз. Уларда асосан иш ўринлари ташкил этиш, жисмоний имконияти чекланган кишилар манфаатларини таъминлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликка кенг йўл очиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилиши кўзда тутилган.

— Ўтган йили шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда партия кенгашимизнинг фаол иштирокини таъминлашга ҳаракат қилдик, — дейди **ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Рашид Муртазоев.** — 2013 йилда партия гуруҳимиз томонидан сессияларга шаҳримиз ҳаёти, электорат манфаатлари билан боғлиқ 4 та масала олиб чиқилди. Жумладан, Транспорт хизматини яхшилаш, ички транспорт йўлларини таъмирлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

2014 йилда партия гуруҳимиз билан ҳудудимиздаги жисмоний имконияти чекланган болалар учун махсус мактаб интернатида таълим жараёни, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш каби масалаларни сессия муҳокамасига олиб чиқишни режалаштирганмиз. Бугунги семинарда билдирилган танқидий-таҳлилий фикрлар ана шу вазифаларимизни аниқ белгилаб олишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Семинарда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулноза Эрназарова, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Зокиржон Холматов, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Муродилла Нормуродов ва бошқалар сўзга чиқиб, мавзу юзасидан ўз фикрмулоҳазаларини билдирди.

ЎзХДП Қарши туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Замира Азизова семинардан сўнг қуйидаги фикрларни айтди:

— Тадбирда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш орқали электоратни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш механизмлари ҳақида билдирилган таклифлар менга маъқул бўлди. Буни келгуси фаолиятимизга татбиқ этмоқчимиз.

Ҳозир туманимизда 3125 нафар партия аъзоси 63 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Ўтган йили Жамоатчилик қабулхонамизга 70 га яқин мурожаат бўлиб, уларнинг 85 фоизини ижобий ҳал этишга эришдик. Электорат муаммоларига ечим топишда халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳимиз аъзоси Дилором Умарова алоҳида ташаббус кўрсатмоқда. Биргина ўтган йили депутатимиз саъй-ҳаракатлари туфайли касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан 50 нафарга яқини имтиёзли кредит олиб, ўз мустақил ишини йўлга қўйди.

Бу йил оилавий тадбиркорлик, хотин-қизларни иш билан таъминлаш бўйича махсус режа ишлаб чиқдик. Шунга кўра, 100 нафардан ортиқ аёлга имтиёзли кредитлар олиш ва иш бошлашига кўмаклашмоқчимиз.

Семинар давомида яна кўплаб долзарб масалалар юзасидан таклиф-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Давоми. Боши 1-бетда.

Эришилаётган ютуқларни, аввало, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралаётганлиги билан изоҳлаган бўлардим

Спорт

Шерзод ТОШМАТОВ:

«Ғалаба учун фақат истеъдоднинг ўзи камлик қилади»

Мамлакатимизда нафақат Олимпия ўйинлари, балки миллий ва Шарқ яккакурашлари туркумидаги спорт турларининг ҳам оммавийлигини ошириш, янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада янги-янги истеъдодли ёшлар кашф этиляпти. Уларнинг халқаро миқёсда эришаётган ютуқлари тобора ортиб бормоқда. Жумладан, Шарқ яккакураш турларидан бири — муайтай бўйича ҳамюртларимиз қўлга киритаётган ғалабалар ҳам фикримиз тасдиғидир.

Юртимизда ушбу спорт турини янада юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ишлар, келгуси режалар хусусида Ўзбекистон Ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси раиси Шерзод ТОШМАТОВ билан суҳбатлашдик.

— 1995 йилнинг 1 майида Ўзбекистон муайтай федерацияси ташкил этилганди, — дейди **Шерзод Тошматов.** — Ташкилот мавқеи ва аҳамиятини янада кучайтириш мақсадида кейинчалик у Ўзбекистон Ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциациясига айлантирилди. Айни чоғда ассоциациямизнинг Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Муайтайга бўлган қизиқиш тобора ортиб боряпти. Мамлакатимизда бу спорт тури билан шуғулланаётганлар сони қарийб ўттиз минг кишини ташкил этади. Айниқса, ассоциациямиз қошида мураббийлар, ҳакамлар малакаси ва маҳоратини оширишга алоҳида аҳамият берилаётганлиги муайтайни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

— Бугунги кунда Ўзбекистон муайтайчилари қўлга киритаётган муваффақиятлар халқаро майдонда ҳам юксак эътироф этилмоқда. Бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилмаётган бўлса керак, албатта.

— Юксак марраларни забт этиш учун спортчидаги истеъдод ва иштиёқнинг ўзи камлик қилади. Эришилаётган ютуқларни, аввало, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралаётганлиги билан изоҳлаган бўлардим. Ўзбекистонлик ёшлар турли нуфузли халқаро мусобақаларда мунтазам ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олиб келишмоқда. Шу кунгача ҳамюртларимиздан ўттиз уч нафар жаҳон, ўн етти нафар Осиё чемпионлари, юздан зиёд турли халқаро турнирлар ғолибларининг етишиб чиққанлиги ҳам сўзимнинг исботи бўла олади.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар йирик халқаро спорт ташкилотлари томонидан алоҳида эътироф этиб келиняпти. Жумладан, Халқаро муайтай федерациялари ассоциацияси (IFMA) бугунги ўзбек спорти, жумладан, муайтайга юксак баҳо бераётгани бизнинг ўз ишимизга бўлган қизиқиш, меҳр-муҳаббатни янада оширмоқда. Ҳозирда ўз таркибига дунёнинг бир юз олтмишдан зиёд давлатини бирлаштирган IFMAнинг йирик мусобақалар мезбонлигини мамлакатимизга ишониб топшираётганлиги ҳам бежиз эмас. Мисол учун, Тошкент 2010 йили Осиё, 2011 йилда эса жаҳон чемпионатига юксак савияда мезбонлик қилди. 2012 йилдан бошлаб юртимизда профессионал муайтай бўйича «Буюк ипак йўли» халқаро турнири мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу мусобақа дастлаб Тошкентда уюштирилган бўлса, ўтган йили кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида дунёнинг энг кучли спортчилари ўз маҳоратларини намойиш этди.

— Маълумки, ўтган йил Ўзбекистон муайтайчилари учун ёрқин ғалабаларга бой бўлди. Бу йил спортчиларимизнинг қандай мусобақаларда иштирок этиши режалаштирилган?

— Ўтган йилда моҳир спортчимиз Саидаҳмад Орипов ўз вазн тоифасида Инчеон (Жанубий Корея)да ёпиқ иншоотларда ўтказилган Осиё ўйинларидан бронза медали билан қайтган бўлса, Шуҳрат Ботиров, Фирдавсий Холмуродов, Илҳом Сотиболдиев, Юсуф Ибрагимов сингари муайтайчиларимизнинг халқаро турнирларда қўлга киритган ғалабалари шарафига Ватанимиз байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янгради. Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Таиландда ўтган Осиё чемпионатидан медаллар шодаси билан юртимизга қайтган эди.

Амалдаги йилда ҳам спортчиларимиз кўплаб йирик мусобақаларда қатнашади. Жумладан, май ойида Малайзияда жаҳон, сентябрда эса Таиландда навбатдаги қитъа чемпионатлари ўтказилади. Шунингдек, юртимизда анъанага кирган «Буюк ипак йўли» халқаро турнири уюштирилади. Мақсадимиз — ана шу мусобақаларда муносиб иштирок этиб, Ватанимиз шуҳратини янада дунёга таратишдир.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

! Муайтайга бўлган қизиқиш тобора ортиб боряпти. Ҳозирда мамлакатимизда бу спорт тури билан шуғулланаётганлар сони қарийб ўттиз минг кишини ташкил этади.

Хитойда енгил атлетика бўйича ёпиқ иншоотларда ўтказилган VI Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муваффақиятли иштирок этди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА

енгил атлетикачиларимиз учта олтин, тўртта кумуш, битта бронза медаль билан тақдирланди

Бу галги чемпионатда терма жамоамиз ҳисобига дастлабки олтин медални ядро улоқтириш баҳсларида барча рақибаларини ортда қолдирган София Бурхонова келтирганлигини маълум қилгандик. Мусобақанинг навбатдаги кунларида ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби Светлана Радзивил баландликка сакраш баҳсларида 196 сантиметрлик белгини забт этиб, энг юқори натижани қайд қилди.

Терма жамоамиз ҳисобига учинчи олтин медални Анастасия Журавлёва келтирди. Эътиборлиси, уч ҳатлаб сакраш бўйича олтин медалга икки нафар спортчимиз — Анастасия Журавлёва ҳамда Александра Котлярова даъвогарлик қилди. Кескин ва муросасиз рақобатда ёш спортчи А.Котлярова кумуш медаль билан кифояланди.

Бунгача узунликка сакраш баҳсларида ҳамюртимиз Дарья Разниченко 6 метру 30 сантиметр натижани қайд этиб, иккинчи ўринни эгаллаганди. Кўпкураш баҳсларида 3985 очко жамғарган Юлия Тарасова ҳам қитъа чемпионати кумуш медалига сазовор бўлди.

Эркаклар ўртасидаги баҳсларда Леонид Андреев кўпкураш бўйича иккинчи, Руслан Қурбонов эса уч ҳатлаб сакраш баҳсларида учинчи ўринни эгаллади.

Ўз мухбиримиз.

Тадбир

ЁШЛАР МАСАЛАСИ ДОИМИЙ ЭТИБОРДА

Бугун вояга етаётган ёшларнинг билим даражаси, дунёқараши, ўй-фикри, маънавий қиёфасига қараб жамиятнинг эртанги кунини тасаввур қилиш мумкин.

Мамлакатимизда ёшларга эътибор масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ёшларга оид қонунлар ҳамда Давлат дастурлари улар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Аммо шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги давр бу соҳадаги ишларни янада кенгайтириш, ёшлар манфаатларини таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштиришни, ёшларимиз учун янги имкониятларни очиб беришни тақозо этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришни назарда тутади.

Адлия вазирлиги томонидан давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида ташкил этилган маърифий-ҳуқуқий анжуман қарор моҳиятини тушунтириш ва унинг ижроси билан боғлиқ масалаларга бағишланди.

Унда, шунингдек, глобаллашув шароитида дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан ёшларни ҳимоя қилиш борасида эътибор қаратилиши лозим бўлган долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

Бугунги глобаллашув даврида ёшлар тарбиясига эътибор, уларни турли ёт иллатлардан асраш ва миллий мафкурамизга содиқ фарзандлар қилиб тарбиялаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Куни кеча Тошкент тиббиёт академиясида ўтказилган «Юксак маънавиятли ёшларни тарбиялаш — ёруғ келажагимиз гаровидир» мавзуидаги амалий конференция ана шу масалаларга бағишланди. Унда академиянинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, улар чуқур билим олиши учун яратилган имконият ва шарт-шароитлар тўғрисида сўз борди. Шунингдек, миллий қадриятларимизга хуруж қилаётган иллатлар, «оммавий маданият» кўринишидаги турли таҳдидлар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Конференция доирасида академия факультетларининг муайян мавзуларга бағишланган стендлар намойиши ва маънавий-маърифий ҳаётни ёритувчи альбомлар кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.

Нилуфар НИЁЗОВА,
1-ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси.

Реклама

ЕМММ

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва меҳмонлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Электромагнит мослашув маркази огоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузайтиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузатгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

БИЗНИНГ МАНЗИЛЛАР:

Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», тел. 230-61-13, 120-30-22.
Андижон шаҳри, Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хонадон, тел. 8-371-230-64-65.
Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, тел. 8-371-230-64-66.
Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, тел. 8-371-230-64-68.
Нукус шаҳри, Ерназар Алакоз кўчаси, ШАТС биноси, тел. 8-371-230-64-75.
Қарши шаҳри, 2-микрорайон, 43-уй, 62-хонадон, тел. 8-371-230-64-78.
Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, 802-хона, тел. 8-371-230-64-69.
Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-а уй. 2-корпус, 54-хонадон, тел.8-371-230-64-72.
Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ п/б, ТРНС, тел. 8-371-230-64-80.
Термиз шаҳри, 5-кичик даҳа, 1-уй, 16-хонадон, тел. 8-371-230-64-79.
Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, тел. 8-371-230-64-67.
Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 37-г уй, 36-хонадон, тел. 8-371-230-64-74.
Урганч шаҳри, Нажмиддин Кубро кўчаси, 7-уй, тел. 8-371-230-64-77.

ОБ-ҲАВО 22-23 — 02. 2014

Юртимиз бўйлаб (°С)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	0 / -5
	0 / -5
Бухоро ва Навоий вилоятлари	-3 / +2
	+5 / +10
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	-3 / +2
	+5 / +10
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	0 / +5
	+7 / +12
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	-3 / +2
	+5 / +10
Тошкент шаҳри	0 / +2
	+8 / +10

Дунё бўйлаб (°С)	
Лондон	+9 / +13
Париж	+9 / +11
Москва	-2 / -2
Мадрид	+10 / +13
Пекин	+7 / +11
Канберра	+27 / +30
Рим	+17 / +14
Афина	+18 / +17
Токио	+7 / +8
Стокгольм	+3 / +2
Кейптаун	+25 / +29
Қоҳира	+27 / +22
Гавана	+33 / +32
Вашингтон	+18 / +13

ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Анвар Бойқуловга синглиси **Дилбар БОЙҚУЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси «Ўзбекистон овози» газетаси Бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Фарруҳ Ҳамроевга онаси **Сайёра ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Saidahmad RAHIMOV, Hotamjon KETMONOV, Farruh HAMROYEV, Ulug'bek VAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Rustam KAMILOV, Tat'yana KISTANOVA, Sharbat ABDULLAYEVA, Ochilboy RAMATOV (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 260
22082 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 06.05
Topshirilgan vaqti — 07.55

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5